

УДК 338.45:004

**МИНТАҚА ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПРОГНОЗ ВАРИАНТЛАРИ**

Норқобилова Феруза Абдуҳомидовна, Қарши муҳандислик иқтисодий-
институти, иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**ВАРИАНТЫ ПРОГНОЗА РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ
ТЕХНОЛОГИИ НАРОДНЫХ ПРОМЫСЛОВ**

Норқобилова Феруза Абдуҳомидовна, доктор философских наук (PhD) по
экономическим наукам Каршинского инженерно-экономического института

**FORECAST OPTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF REGIONAL
FOLK CRAFT TECHNOLOGY**

Norgobilova Feruza Abduhomidovna, Doctor of Philosophy (PhD) in Economic
Sciences of the Karshi Engineering Economic Institute

Аннотация. Ушбу мақолада минтақада олиб борилаётган иқтисодий
ислохотларнинг ҳозирги босқичи ҳунармандчилик соҳасини янада
ривожлантириш, унга кенг иқтисодий имкониятлар бериш билан
белгиланади асосида баҳолаш ёритилган.

Калит сўзлар: адекват, тадбиркорлик, тренд модел, бошқарув,
эконометрика, прогноз, рентабел.

Аннотация. В данной статье современный этап экономических реформ,
проводимых в регионе, определяется дальнейшим развитием ремесленного
сектора, предоставлением ему широких экономических возможностей.

Ключевые слова: адекват, предпринимательство, трендовая модель,
менеджмент, эконометрика, прогноз, рентабельность

Abstract. In this article, the current stage of economic reforms carried out in
the region is determined by further development of the craft sector, providing it
with wide economic opportunities.

Key words: adequate, entrepreneurship, trend model, management,
econometrics, forecast, profitability

Кириш. Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида ҳунармандчиликни
ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва оилавий
ҳунармандчиликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш ва
оилаларни даромадини ошириш соҳасидаги адолатли сиёсатини рўёбга
чиқариш ҳисобланади.

Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодийнинг
мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини

шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилмоқда.

Минтақа аҳолисини халқ хунармандчилик соҳасига жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, «уста-шогирд» анъаналари асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга бир қанча ислохотларни изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-55-сон қарори [1] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сон «Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2] Қарорлари қабул қилинди, ушбу қарор мамлакатимиз аҳолисини иш билан банд қилиш, уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш, хунармандчилик соҳасини ривожлантириш ва хунармандларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун 3 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга ажратилиши назарда тутилганлиги халқ хунармандчилик соҳасидаги ижобий ўзгаришлар кўзатишмоқда.

Хунармандчилик мамлакатда ишсизликни бартараф этиш, соғлом рақобатни шакллантириш аҳоли даромадини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг барқарорлигини оширишдаги имкониятларини инобатга олган ҳолда, бу соҳанинг ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Минтақа хунармандчиликни ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва минтақаларда халқ хунармандларнинг амалий санъатини янада ривожлантириш асосида минтақаларда миллий халқ хунармандчиликни рақамлаштириш масалаларида хорижлик иқтисодчи олимлардан Vasco [3] шунингдек, миллий иқтисодиётда оилавий хунармандчиликнинг ижобий томонлари шундаки корпоратив бошқарув ва хунармандчиликнинг ривожланишига институционал ёндашув нуқтаи назаридан, уларнинг ўзига хос томонлари ўрганилган (Banaliev, Eddleston, Zellweger; Steier) [4].

Ушбу йўналиш бўйича республикамиз олимлари А.Ўлмасов[5], Х.Мухитдинов[6], Ф.Норқобилова[7], О.М.Пардаева[8] ва бошқалар ўз ишларида минтақа хунармандчилиги оилавий бизнес ва ҳудудлар ривожланиши ўртасидаги боғлиқликнинг назарий модели халқ хунармандчилигининг ижобий томонлари тадқиқ этади. Бунда асосий эътибор миллий хунармандчиликга қаратилган бўлиб, халқ хунармандчилигини рақамлаштиришнинг иқтисодий ва ижтимоий табиати нуқтаи-назаридан очиб берилмаган.

Айни пайтда халқ хунармандчилиги соҳасида рақамлаштириш ва истиқболларини белгилаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам масалага жиддий ёндашган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида минтақада хунармандчилик йўналишларида яратилган иш ўринлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, унинг вақтга боғлиқ бўлган тренд моделини ишлаб чиққилди.

Таҳалиллар ва асосий натижалар. Қашқадарё вилоятида хунармандчилик йўналишларида яратилган иш ўринлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, унинг вақтга боғлиқ бўлган тренд моделини ишлаб чиққилди. Бунинг учун қатор ҳолатларни кўриб чиқдик, экспоненциал, полиномиал ва даражали функцияларни шулар жумласидандир, аммо чизиқли функцияда константа ноль бўлган пайтда детерминация коэффициенти 0.95 га тенг эканлиги ва барча мезонлар бўйича адекватлиги аниқланди, шу билан бирга константани Стюдент тест мезонларига кўра адекват эмаслиги аниқланди. Натижада вилоятда хунармандчилик йўналишларида яратилган иш ўринлари вақтга боғли тренд модели куйидаги кўринишга эга бўлди.

$$y = 1797.1 * t$$

Бу ерда: y - Қашқадарё вилоятида хунармандчилик йўналишларида яратилган иш ўринлари сони. t – тренд.

Модел барча мезонлар бўйича адекват бўлиб, унинг натижаларини куйидаги 1 – жадвалда келтириб ўтганмиз.

1-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари

Model 1: OLS, using observations 2018-2021 (T = 4)

Dependent variable: WP

	qiymat	Standart hatolik	t- nisbat	p- qiymat	
Trend	1797.07	238.157	7.546	0.0048	***
O'rtacha bog'liq var	4663.250		S.D. bog'liq var		2236.405
So'm kvadrat rezident	5104669		S.E. of regression		1304.437
Markazsiz R-kvadrat	0.949948		Markazlashtirilgan		0.659791

		R- kvadrat	
F(1, 3)	56.93814	P- qiymat (F)	0.004826
Jurnal ehtimoli	-33.79450	Akaike mezoni	69.58900
Shvarts mezoni	68.97529	Hannan-Quinn	68.24226
Rho	-0.908232	Durbin-Watson	3.012083

Ишлаб чиқилган модел натижаларига кўра вилоятда ҳунармандчилик йўналишларида яратилган иш ўринлари сони ҳар йили ўртача 1797,1 бирликка ошаётганлиги аниқланган. Мазкур трендни тузиш учун биз 2018-2021 йиллар маълумотларидан фойдаланганмиз, яъни 4 йиллик маълумот. Бу маълумот билан икки йил учун прогноз қилиш мумкин бўлади. Ўсиш тенденцияси мавжуд ҳолатда сақланиб турса 2022 йилга келиб яратилган иш ўринлари 8989,3 тани ташкил қилади ва 2023 йилга нисбатан 1,47 баробарга ошиши таъминланади. 2024 йилга келиб эса 10782 бирликни ташкил қилиб 1,77 баробарга ошади.

Амалга оширилган ҳисоб китобларимиздан кўринадики Қашқадарё вилоятида ҳунармандчилик йўналишларида яратилган иш ўринлари сони кейинги даврда юқори ўсиш суръатига эга бўлиб, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишдаги истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Фикримизча ҳунармандчиликка қаратилаётган эътиборни ва улар учун яратилаётган шарт-шароитларни маҳаллий даражада кенг миқёсда тушунтириш, амалиётга жорий қилиш соҳани янада барқарор ривожини таъминлашга хизмат қилади.

1– жадвал

2020 йилда аҳолининг ҳунармандчилик бўйича фаоллигини ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқотда иштирок этган респондентлар тўғрисида маълумот

Яшаш жойи бўйича:	- шаҳар (51,3%); - қишлоқ (40,2%); - бошқа (массив, туман маркази) (8,5%)
Ёш жиҳатидан таркиби:	- 18-30 ёш (54,7%); - 31-50 ёш (39,3%); - 51-64 ёш (6,0%).
Жинси:	- аёллар (25,4%); - эркаклар (74,6%).
Маълумоти бўйича таркиби:	- олий (82,9%) - ўрта махсус, касб-хунар (11%); - ўрта (6,1%).
Оила аъзолари сони бўйича таркиби:	- 2 та (1,7%); - 3 та (15,4%); - 4 та (22,2%); - 5 та (48,7%);

Шунга асосланиб, оила функциялари системасига оила фаровонлигини таъминловчи омиллар, иккинчидан оилавий тадбиркорликни қарор топишида муҳим шарт сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай ёндашув асосида оила институтининг ижтимоий йўналтирилган функцияларини ҳунармандчиликка интеграциялаштириш масаласи ётади.

Триангуляция(лот. triangulum учбурчак) — натижаларни мустақил равишда тасдиқлаш учун камида учта усулдан фойдаланган ҳолда бир хил кўрсаткични ўлчаш[10],.

Ҳунармандчилик соҳасидаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг молиявий ҳолатини баҳолашда ҳам тизимли ёндашувнинг таҳлилий усулларида фойдаланиш жуда самарали ва қулай ҳисобланади. Ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг аксарияти иқтисодиёт ва бошқарувга оидлиги билан характерлидир. Шунингдек, айрим хорижий тадқиқотчилар оилавий бизнес тушунчасини тадқиқ қилиб, унинг оилавий бўлмаган бизнес билан фарқли жиҳатларини очиб беришга уринишган. Бир қатор муаллифлар оилавий фирмаларнинг ўзига хос бозор стратегияларини ҳисобга олиб ёндашади. Шунингдек, баъзи тадқиқотлар оилавий бизнесда бошқарув, роллар тақсимооти ва ахлоқий қадриятларини ўрганишга қаратилган[11]. Мазкур ишларни оилавий тадбиркорлик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида муҳим йўналишлар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кўриниб турганидек, оилавий бизнес муаммоларини ўрганишнинг мураккаблиги, унга турли хил назарий ёндашувларнинг хослигидан келиб чиқади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларда қўлланилган назарияларни институционал назарий ёндашувлар ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти назариялари бўйича йирик гуруҳларга бўлиш мумкин.

Сўнгги йилларда ҳунармандчиликдаги оилавий тадбиркорликка оид тадқиқотларда хусусий характердаги назариялар ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, агентлик назарияси оилавий бизнесни тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган умумий назария сифатида эътироф этилади. Бу назарияга

кўра, оилавий бизнес эгаси (мулкдор) ва унинг аъзолари ўртасидаги бошқарувга оид муносабатлар чегараси таснифланган. Бундай мураккаб бошқарув жараёнлари агентлик назарияси асосида таснифланган. Оилавий тадбиркорликни тадқиқ этишда “оила занжири” назарияси[12], 2000 йилдан буён тадқиқотда қўлланилаётган барқарор оилавий бизнес назарияси (СФБТ) каби махсус ишлаб чиқилган назариялар ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда. Бундан ташқари, оила ва бизнес тизимларининг ўзаро муносабатидаги турли стратегияларни ва оилавий бизнеснинг бошқа турдаги бизнесдан фарқ қилувчи асосий устуворликларини тушунтиришга ёрдам берадиган янги назариялар ҳам пайдо бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рўйхатнинг деярли учдан икки қисмини (64фоиз) Осиё давлатлари ташкил қилади. Буларнинг аксарияти ривожланаётган Осиё давлатларига тўғри келади. Ушбу рўйхатга акциялари молиявий бозорларда сотилаётган ва капиталлашуви 1 млрд. доллардан ошган ҳамда 20 фоиз акциялари оилаларга тегишли бўлган компаниялар ҳам киритилган.

Хунармандчилик фаолиятига киритилган инвестициялар ўзгариш жараёнини прогнозлаш учун ҳисобланган тренд моделлари 1-расмда кўрсатилган. Ҳосил қилинган тренд модели натижалари таҳлилига кўра, бу экспоненциал модел сифати анча юқори[13].

Юқорида ҳисобланган тренд моделлар таҳлили ва улардан олинган натижалар асосида олинган прогнозларни таҳлил қиладиган бўлсак, буни 1-жадвалдан кўришимиз мумкин. 2-жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятида хунармандчилик корхоналари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажми моделидан олинган прогнозларга кўра 2020 йилга нисбатан 2021 йилга бориб 1,03 баробарга ошиши, 2026 йилга бориб эса 2,44 баробарга ошиши прогноз қилинди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, кутилаётган натижа мамлакатимизда қадимдан мавжуд аммо яқин йиллар давомида йўқолиб бораётган хунар турларини тиклаш ва ривожлантириш, миллий меросимизни авлоддан-авлодга етказиб бериш, аҳоли ва хорижий мамлакатларига миллийлигимизни, урф-одатларимизни анъаналаримизни, хунармандчилик маҳсулотлари орқали англантишимиз, республикамизнинг ривожланмаган олис тоғли ҳудуд аҳолисини ҳам иш билан банд қилиш юқори даражадаги

технологияларсиз ҳам мавжуд хом-ашёлар (жун, ипак, тери, тупроқ, ёғоч, темир ва б.) орқали ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, даромалга эга бўлиш имкониятини яратиб беришдир.

Файдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-55-сон // <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сон “Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. // <https://lex.uz/docs/5807559>
3. Basco, R. Family business and regional development - A theoretical model of regional familiness. Journal of Family Business Strategy (2015), <http://dx.doi.org/10.1016/j.jfbs.2015.04>
4. Banalieva E.R., Eddleston K.A., Zellweger T.M. When do family firms have an advantage in transitioning economies? Toward a dynamic institution-based view // Strategic Management Journal. – 2015. –Т. 36. -№ 9.
5. Ўлмасова. Оила иқтисодиёти. Тошкент – “Мехнат”- 1998.;
6. Prospects Of Digitalization Of Craftsmanship Development In The Region Journal of Pharmaceutical Negative Results – 2022. 345-352 бет.
7. Хизмат кўрсатиш тармоқларини моделлаштиришда тизимли таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш. International journal of conference series on education and social sciences (Online) 2021.
8. ПардаевМ.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарқанд 2001 й.;
9. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, №2. (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>; Волков Д.А. Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, 2011, вып. 2, с.11-16.;
10. Норқобилова. Ф. А. International scientific and practical conference // Иқтисодий эркинлик индекси ҳунармандчилик соҳасини ривожлантиришдаги роли (zenodo.org), 2023. – p 255-257
11. Arens R. Complex processes for envelopes of normal noise // IRE Trans. Inform. Theory, Sept. 1957, vol. IT-3, pp. 204-207.
12. Mukhitdinov Khudoyar Suyunovich1, Norqobilova Feruza Abdihamidovna2. // Prospects Of Digitalization Of Craftsmanship Development In The Region / Journal of Pharmaceutical Negative Results: Volume 13: Special Issue 9: 2022.

13. Ф. А Норқобилова. // Хизмат кўрсатиш тармоқларини моделлаштиришда тизимли таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш / Vol. 1 No. 2 (2021): International journal of conference series on education and social sciences. (Online) p. 224-228.